

Лойиха

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

### **Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон Фармонига мувофик, ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, санитария нормалари, коидалари ва гигиеник нормативларга риоя қилиш соҳасида назорат қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, юридик ва жисмония шахсларнинг санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги қонунчиликка, шунингдек, диагностика ва даволаш стандартларига, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши учун жавобгарлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига 1-иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиги Н.С. Атабеков ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил “ ” ноябрдаги ПФ-\_\_\_\_\_сон Фармонига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги  
ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон  
рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли  
органин хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар  
рўйхатига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

**1. 10-позиция қуидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“ 10.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария- эпидемиология назорати давлат инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича:</p> <p>чоракда кўпи билан бир маротаба – умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик субъектларида, шу жумладан, озиқ-овқат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация бўйича фаолиятни амалга оширувчи, ва истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқова сувларни чиқарив ташлайдиган;</p> <p>яrim йилда кўпи билан бир маротаба – ахолига майший хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалага оширувчи;</p> <p>кўпи билан бир йилда бир маротаба – ахолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини текшириш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария- эпидемиология назорати давлат инспекцияси</p>	1 кун
“ 10-1.	Хусусий тиббиёт муассасаларида лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган текширишни ўтказиш.	<p>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>	1 кун ”.

**2. Куйидаги мазмундаги 10-1-позиция билан тўлдирилсин:**

“ 10-1.	Хусусий тиббиёт муассасаларида лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган текширишни ўтказиш.	<p>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>	1 кун ”.
---------	---	--	-------------

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Фармони лойиҳасига  
ТАҚҲОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Амалдаги таҳир	Таклиф этилаётган таҳир	Асослантириш
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати</b>		
<b>10.</b> Куйидагиларни амалга ошириш: сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектлардан намуналар танлаб олиш йўли билан сут ва сут маҳсулотлари, водопровод суви ва оқава сувларни ҳар ойда лаборатория тадқиқотидан ўтказиш; намуналар танлаб олиш йўли билан ун ва ош тузи ишлаб чиқарадиган корхоналарда I навли буғдой уни хамда ош тузи, тадбиркорлик субъектлари томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари овқатланиш блокларида тайёрланган овқат намуналари, овқатланиш блокларининг технологик жихозлари, ходимларининг маҳсус кийимлари ва қўлларини ҳар чоракда кўпи билан бир маротаба лаборатория тадқиқотидан ўтказиш; қонун хужжатларига кўра тиббий кўрикдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овқатланиш ва ахолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий кўрикдан ўтиш дафтарчаларининг мавжудлигини олти ойда кўпи билан бир маротаба мониторингдан ўтказиш.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Республика санитария-эпидемиология назорати маркази	1 кун
<b>10.</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича: чоракда кўпи билан бир маротаба – умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик субъектларида, шу жумладан, озиқ-овқат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни ишлаб чиқариш, ташиб, саклаш ва реализация бўйича фаолиятни амалга оширувчи, ва истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган; ярим йилда кўпи билан бир маротаба – ахолига манишӣ хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалага оширувчи; кўпи билан бир йилда бир маротаба – ахолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини текшириш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси	1 кун
Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 12 октябрдаги СҚ-518-III ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон Фармони, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, санитария нормалари, коидалари ва гигиеник нормативларга риоя қилиш соҳасида назорат қилишнинг самарали механизmlарини жорий этиш, юридик ва жисмония шахсларнинг санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши учун жавобгарлигини ошириш мақсадида киритилмоқда.		

<b>Тўлдирилмоқда</b>	10-1. Хусусий тиббиёт муассасаларида лицензия талаблари ва шартларига риоя килинишини бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган текширишини ўтказиш.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1 кун	Мазкур қўшимча Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг 2019 йил 28 октябрдаги 9666-хдфу топшириги ижроси юзасидан киритилмоқда.
----------------------	--	---	-------	---

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Санитария-эпидемиология назорати  
давлат инспекцияси бошлиғи

Н. Атабеков

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

А. Шадманов